

*Мехр күрсатмок  
хәқидағи  
қиссалар*

## **Ота-онага меҳрибонлик.**

Аллоҳ таоло фарзандларни ота-оналарига яхшилиқ қилишга, уларга меҳрибон бўлишга буюрди. Чунки ота-оналарнинг фарзандлар устидаги ҳақлари чексиздир. Ота-онанинг фарзандлар ҳаётида аҳамияти улкан бўлгани боис, уларни улуғлаб, ҳурмат-эҳтиромда бўлиш – уларга меҳрибонлик билан яхши муомалада бўлмоқни ёлғиз Ўзига ибодат этиш қаторига қўшиб зикр қилди.

Аллоҳ таоло бизларни ота-онамизга ширин сўзли, итоаткор бўлмоғимизга буюрди, ота-онанинг қадрини баланд кўтариб, уларга итоатсиз бўлишдан огоҳлантириди. Улар гарчи мушрик, ғайридин бўлишсада, Аллоҳ ва Пайғамбарининг буйруқ ва қайтарувларига хилоф келмайдиган ўринларда уларга итоатсиз бўлишни катта гуноҳлардан деб санади. Катта гуноҳ қилганлар

эса, Аллоҳ таолога тавба қилмасалар жойлари жаҳаннамда бўлажагини хабар берди.

Ота-онани рози қилиш, уларга ширин сўзли бўлиш ҳамда уларга астойдил хизмат қилиш фарзандлар бурчларидир. Зеро мусулмон одам заррача яхшилик қилган кишини қадрлайди, унинг яхшилигига қўлидан келганича яхшилик билан жавоб беради, бир яхшиликни ўн қилиб қайтаришга интилади. Ота-оналар эса фарзандлари то вояга етгунларига қадар қандай машаққатлар чекиб, қийналгани ёлғиз Яратганга аён!

Эй мусулмон биродар! Ота-онангизни ҳурмат қилиб, уларга меҳрибонлик ила хуш муомалада бўлмоғингиз ва улар ҳақига ҳаётлик чоғларида ҳам, вафот этганларидан кейин ҳам дуо қилмоғингиз лозимдир. Зотан, Аллоҳ таолонинг розилиги ота-онанинг розилигидадир.

## **Беқиёс меҳрибонлик**

Али ибн Ҳусайн -розияллоҳу анҳу- оналарига итоаткор, жудаям меҳрибон ва ниҳоятда ғамхўр эдилар. Шундай бўлса ҳам, оналари билан бирга, бир идишда таом емас эканлар. У кишининг бу

фөълидан хабар топган кишилар ниҳоятда ажабланиб: "Нега у киши оналарига яхшилик қиладилару, яна оналари билан бирга таом емайдилар"? – деб ҳайрон бўлдилар. У кишидан:

– "Сиз ҳаммадан кўра кўпроқ онангизга яхшилик қиласиз, лекин онангиз билан бирга бир идишда таом емайсиз! Бунинг сабаби нима"? – деб сўрашди.

Шунда Али ибн Ҳусайн:

– "Онамнинг кўзлари тушган луқмага онамдан аввал қўлимни чўзиб қўйиб, онамни ранжитиб қўйишдан қўрқаман", – деган эканлар.

## **Ота-онаға меҳрибонлик жаннат калитидир**

Ҳориса ибн Нўймон -розияллоҳу анҳу- доимо оналарининг хизматларида қоим эдилар. У зотнинг бу амалларига мукофот эса, жаннат бўлди.

Бир куни Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- туш кўрибдилар. Пайғамбарларнинг тушлари ваҳийнинг бир қисмидир. Расулуллоҳ-соллаллоҳу алайҳи вассаллам- тушларида жаннатда юрган эканлар. Шу пайт қуръон ўқиётган бир қорининг овозини эшитиб: "Ким бу?" деб

сўрабдилар. "У Ҳориса ибн Нўймон" – деган жавоб бўлибди.

Расулуллоҳ -соллаллоҳу алаиҳи васаллам-: "Ота-онага мөхрибонлик (мукофоти) мана шундай бўлади, мөхрибонлик (мукофоти) мана шундай бўлади", – дедилар.

Онасига хизмат қилиб эришган жаннат, у зотга қутлуғ бўлсин!

## Ўлимдан кейинги яхшилик

Ривоят қилинадики, Расулуллоҳ -соллаллоҳу алаиҳи васаллам- замоналарида ота-онасига мөхрибон, уларга жуда яхши хизмат қилган бир киши бор эди.

Ота-онаси вафот этгач, у Расулуллоҳ -соллаллоҳу алаиҳи ви саллам- ҳузурларига келиб:

– "Ота-онамнинг вафотларидан кейин, зиммамда уларга нисбатан қандай вазифа бор?" – деб сўради.

Росулуллоҳ -соллаллоҳу алаиҳи васаллам-:

– "Ҳақларига дуо қилиб, мағфират сўра, аҳдларини бажар, дўстларини ҳурмат қил ва қариндошлари билан алоқани узма! Шулар сенинг зиммангдаги вазафалардир" – дедилар.

Ота-онасига тириклик чоғларида яхши хизмат қилиб, вафот этганларидан кейин ҳам, уларга яхшилик қилишда давом этган фарзанд нақадар яхши фарзанддир.

## **Эңг зўр яхшилик – эшак ва салла воқеаси.**

Бир марта Абдуллоҳ ибн Умар -розияллоҳу анҳу-Маккага сафар қилдилар, бошларида саллалари ҳам бор эди. Туя минишдан малолланган пайтда миниш учун бир эшакни ҳам бирга олган эдилар.

Йўлда бир аъробийга (саҳройи арабга) йўлиқиб қолдилар. Абдуллоҳ ибн Умар -розияллоҳу анҳу-ундан:

– "Сен фалончининг ўғли фалончимисан?"- деб сўрадилар. Аъробий:

– "Ҳа, худди шундай" - деди.

Абдуллоҳ ибн Умар -розияллоҳу анҳу- миниб турган эшакларидан тушиб, бошларидаги саллаларини ечдиларда, аъробийга:

– "Бу эшакка миниб ол, мана бу салла ҳам сенга ҳадя" - дедилар.

Абдуллоҳ ибн Умар -розияллоҳу анҳу-нинг баъзи шериклари:

– "Аллоҳ сизни мағфират этсин, бу аъробийга ўзингиз учун зарур бўлган эшагингизни ҳам, бошингиздаги саллангизни ҳам, бериб юбордингизку!" – деб койишиди.

Абдуллоҳ ибн Умар -розияллоҳу анху- нега бундай қилганларини билдириб:

– "Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам-: "(Ота-онага қилинадиган) энг зўр яхшилик – ота вафотидан кейин ҳам (давом этиб), унинг дўстлари авлоди билан алоқада бўлмоқдир" – деб айтаётганларини эшитган эдим", – дедилар.

Аъробийнинг отаси эса, Умар ибн Хаттобнинг дўстлари бўлган эди.

## **На қадар буюқдир, онанинг ҳаққи!**

Ривоят қилинишича бир киши онасини елкасида кўтариб Байтуллоҳни тавоғ қилдириби. Тавоғни тугатгач, бу амалини она учун қилинган катта хизмат, беқиёс хайру-эҳсон деб, ўйлаган ўғил Росулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам-нинг ҳузурларига келиб:

– "Онамнинг мәндаги ҳаққини адо этдимми?" - деб сўрабди. Росулуллоҳ -соллаллоҳу алаиху васаллам:-

– "Йўқ! сен бир маротаба оҳ уришининг ҳаққини ҳам адо этолмадинг" – дедилар. (Яъни, онасини кўтариб тавоғ қилдириши унинг ҳомиладорлик вақтидаги қийинчилик лаҳзаларидан бирига ҳам тенг эмасдир). Сўнг ушбу оятни тиловат қилдилар:

﴿ وَصَّيْنَا إِلَّا نَسَنَ بِوَلَدِيهِ إِحْسَنًا حَمَلْتُهُ أُمُّهُ كُرْهًا وَوَضَعَتُهُ كُرْهًا وَجَمْلَهُ ، وَفَصَّلْتُهُ، ثَلَاثُونَ شَهْرًا ﴾ الأحقاف: ١٥

**«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлиб, қийналиб туққандир. Унга ҳомиладор бўлиш ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир».** (Аҳқоф сураси, 15-оят).

Агар биз Аллоҳнинг розилигини топмоқ учун бор кучимизни ота-онамизнинг хизматларига сарфласак, нақадар баҳтли инсон бўлар эдик!

## **Онага яхшилик қилмоқ**

Икки камар соҳибаси деб ном олган, улуғ саҳобия Асмо бинти Абу Бакр -розияллоҳу анҳо-оталари билан бирга исломни қабул қилгандилар. Оналари эса, мушрика ҳолича қолганди.

Бир куни Асмо –розияллоҳу анҳа- уйларига оналари кириб келди. Сабаби у қизининг меҳрли нигоҳларини соғинганди. Шу билан бирга, қизи Асмонаси синамоқчи ҳам эди: "Исломни қабул қилган қиз қандай муомала қиларкин? – уни меҳрибонлик билан кутиб олиб, сийлайдими? Ёки, уни жеркиб, рад этадими? (у мана шундан жуда хавотирда эди)".

Мушрика онасини уйига кириб келганини кўрган муслима қиз ҳайратланиб, нима қилишини билмай қолди!. Сўнг Сайида Асмо - розияллоҳу анҳо-Расулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи вассаллам-хузурларига келиб, оналарига қандай муомалада бўлишларини сўрадилар.

Расулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи вассаллам- оналари билан алоқани узмасликка, унга яхшилик қилишга буюриб: "Онанг билан алоқангни яхши қил!" – дедилар.

## Улуғ фидойилик

Аллоҳнинг пайғамбари Иброҳим -алаиҳис салом- ўғиллари Исмоилни жуда яхши кўрар эдилар. Чунки Исмоилни Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳис саломга ёшлари улғайиб, фарзандга кўп интиқ бўлганларидан кейин ато этган эди. Бир куни Иброҳим -алаиҳис салом- тушларида Исмоилни сўяётганларини кўрдилар. Иброҳим -алаиҳис салом- бу туш ҳаққу-рост ва ўзларининг иймон ва сабрларини синаш учун Аллоҳ таоло томонидан юборилган ваҳий эканлигини идрок этган эдилар. Иброҳим -алаиҳис салом- Аллоҳ таолонинг буйруғига ижобат қилиб, ўғилларига:

﴿يَبْنَىَ إِنِّي أَرَىٰ فِي الْمَنَامِ أُنَّىٰ أَذْبَحَكَ فَانْظُرْ مَاذَا تَرَىٰ ﴾  
الصفات: ۱۰۲

«Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман. (Пайғамбарларнинг туши ҳақ). Энди сен ўзинг нима раъификр қилишингни бир ўйлаб кўргин", - деди». (Вас-соффат сураси, 102-оят).

Ўғиллари Исмоил -алаихис салом- Аллоҳ таолога бўлган иймонлари ва оталарига бўлган итоату-яхшиликлари сабабли бу буйруқни бажонидил қабул қилдилар.

Сўнг оталарига шундай дедилар,

﴿قَالَ يَأَبْتَ أَفْعَلْ مَا تُؤْمِنُ سَتَجْدُنَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ مِنَ الصَّابِرِينَ﴾

الصفات: ١٠٢

«Исмоил (алаийхиссалом раббини рози қилиб, отасига меҳрибон бўлиб – отасининг Аллоҳга итоат этишига ёрдам бериб): "Эй отажон, ўзингизга буюрилган ишни қилаверинг. Иншааллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топасиз", - деб айтди». (Вас-соффат сураси, 102-оят).

Иброҳим –алаийхиссалом- Исмоилни сўйиш учун ҳозирланганларида:

﴿يَأَبْرَاهِيمُ قَدْ صَدَقَتِ الرُّءْيَا إِنَّا كَذَلِكَ نَجِزِي الْمُحْسِنِينَ﴾

الصفات: ١٠٤ - ١٠٥

«"Эй Иброҳим, дарҳақиқат, сиз тушингизни рост-бажо қилдингиз". Албатта, Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлагаймиз». (Вас-соффат сураси, 104- 105-оят).

деган товушни эшитдилар. Ўша вақтда Иброҳим -алайҳис салом- ўгирилиб қараганларида Аллоҳ таоло осмондан туширган оқ рангли қўчқорни кўрдилар, сўнг уни итоаткор Исмоил ўрнига Аллоҳ таоло учун қурбонлик қилдилар. Аллоҳ таоло бу икки – тақводор, итоатли, мустаҳкам иймон соҳиби бўлмиш ота ва ўғилни мана шундай мукофотлади.

## **Холага яхшилик қилмоқ**

Бир киши гуноҳ қилиб қўйди. Сўнг жуда қаттиқ қайғуга ботиб, қилмишларига надоматлар чекди.

Тавба қилса, гуноҳи афв этиладими, йўқми, билмоқ учун Расулуллоҳ-соллаллоҳу алайҳи васаллам- ҳузурларига борди.

– "Эй Расулуллоҳ! Мен катта гуноҳ қилиб қўйдим, менинг тавбам қабул бўлармикин?" – деди.

*Расулуллоҳ-соллаллоҳу алайҳи васаллам-:*

– "Ота-онанг борми?" – дедилар.

– "Йўқ", - деди у киши.

*Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам-:*

– "Холанг борми?" – деб сўрадилар.

– "Ҳа"- деб жавоб берди.

*Расулуллоҳ -саллаллоҳу алайҳи васаллам-:*

– "Ундей бўлса, холангга яхшилик қил", - деб марҳамат қилдилар.

Бу қиссадан: "Ота-она, яқинларга яхшилик қилиш гуноҳларнинг кечирилмоғига сабаб эканлигини" билдиқ. Шундай экан, Аллоҳ гуноҳларимизни кечирмоғи учун биз ҳам барча яхшиликларга ҳарис бўлайлик!...

## **Яхшилик ва даъват**

Абу Ҳурайра -розияллоҳу анҳу- мусулмон бўлганларида оналари ҳануз мушрика эди. У зот Аллоҳга дуо қилиб, оналарини ҳидоят этмоғини кўп сўрадилар.

Бир куни оналарини иймонга чақирганларида у Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам-ни ҳақорат қилди. Абу Ҳурайра -розияллоҳу анҳу- бундан жуда қаттиқ хафа бўлиб, йиғлаганларича Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам- ҳузурларига бориб, бўлиб ўтган воқеани айтиб бердилар ва Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам-дан оналари ҳақига дуо қилишларини сўрадилар.

Расулуллоҳ -соллаллоҳу алаиҳи васаллам-: "Эй Аллоҳим, Абу Ҳурайранинг онасини ҳидоят қилгин", - деб дуо қилдилар.

Абу Ҳурайра -розияллоҳу анҳу- Расулуллоҳ-соллаллоҳу алаиҳи ва саллам-нинг дуоларидан хурсанд бўлиб уйларига борганларида, уйнинг эшиги ёпиқ эди.

Оналари ўша пайтда ғусул қилаётган экан. Абу Ҳурайранинг келганларини билиб, бир оз кутиб туришини сўради. Сўнг кийиниб, рўмолини ўраб, эшикни очди-да:

– "Эй Абу Ҳурайра – ўғлим! Мен: Аллоҳдан бошқа ҳақ илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг элчисидир, деб гувоҳлик бераман", - деди.

Оналарини иймон келтирганларидан шодмон бўлган Абу Ҳурайра -розияллоҳу анҳу- Расулуллоҳ-соллаллоҳу алаиҳи ва саллам-нинг ҳузурларига бориб:

– "Эй Расулуллоҳ! Севинчи! Аллоҳ дуойингизни қабул қилди! Абу Ҳурайранинг онаси ҳидоят топди!" - дедилар.

Сўнг Абу Ҳурайра -розияллоҳу анҳу-:

– "Эй Расулуллоҳ! Менга ва онамга нисбатан мўмин бандаларининг қалбларида муҳаббат ўйғотмоғини, шунингдек бизнинг қалбимизда ҳам уларга муҳаббат пайдо қилмоғини сўраб Аллоҳга дуо қилинг", - дедилар.

*Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-:*

– "Аллоҳим бу банданг ва онаси учун мўмин бандаларинг муҳаббатларини уйғотгин", - деб дуо қилдилар.

## **Мушрикка яхшилик қилмоқ.**

Аллоҳ таоло Иброҳим -алаїҳис салом-ни пайғамбар қилиб ихтиёр этди. Оталари эса, бутпаст одам бўлиб, бут ясаб ўз қавмига сотар эди. Қавмлари эса, манашу бутларга ибодат қилиб, бу бутлар бизларга фойда ёки зарар етказа олади, ризқу – рўзимизни ҳам шулар бериб, оғир дамларда бизларга мададкор бўлади, ҳамда бизларни бало-офатлардан халос этади, деб эътиқод қилишар эди.

Иброҳим -алаїҳис салом- оталарига меҳрибон бўлганлиги учун, уни гўзал йўл билан Ёлғиз, Шериксиз Аллоҳ таолога ибодат этмоқликка даъват қилиб:

﴿يَأَبْتَلِمْ تَعْبُدُ مَا لَا يَسْمَعُ وَلَا يُبْصِرُ وَلَا يُغْنِي عَنْكَ شَيْئًا﴾ ٤٢

﴿قَدْ جَاءَ فِي مِنْ أَعْلَمُ مَا لَمْ يَأْتِكَ فَاتَّبِعْنِي أَهْدِكَ صِرَاطًا سَوِيًّا﴾ ٤٣

تَعْبُدُ الشَّيْطَنَ إِنَّ الشَّيْطَنَ كَانَ لِرَحْمَنِ عَصِيًّا ﴿٤٤﴾ يَأْبَتِ إِنِّي أَخَافُ أَنْ

يَمْسَكَ عَذَابٌ مِّنَ الرَّحْمَنِ فَتَكُونَ لِلشَّيْطَنِ وَلِيَا ﴿٤٥﴾ مريم: ٤٢ - ٤٥

«Эй отажон, нега сиз эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сизга бирор фойда бера олмайдиган бутга ибодат қилурсиз?! Эй отажон, дарҳақиқат, менга сизга келмаган илм-маърифат келди. Бас, сиз менга эргашинг, сизни Ҳақ Йўлга ҳидоят қилурман. Эй отажон, сиз шайтонга итоат қилиб бутларга ибодат қилманг! Чунки шайтон Раҳмонга осий бўлгандир. Эй отажон, ҳақиқатан, мен сизга Раҳмон томонидан азоб етиб (дўзахда) шайтонга ёрдамчи – яқин бўлиб қолишингиздан қўрқаман, деб айтди». (Марям сураси: 42-45 оятлар).

Лекин ота ўғлининг насиҳатини қабул қилмай, бутларга ибодат қилаверди. У шу билан кифояланмай, балки Иброҳим -алайҳис салом-га: "Агар даъватини тўхтатмаса тошбўрон қилмоқлик билан таҳдид қилиб, уни ўз ҳолига қўйишни", - талаб қилди. Бу таҳдидлар Иброҳим -алайҳис салом-ни отасига яхшилик қилишдан тўсиб қўймади, балки, у зот то оталарини гўзал бир суратда тарк этгунларига қадар, уни мулойимлик

билин даъват этишда давом этдилар. У зот оталарига:

﴿ قَالَ سَلَّمٌ عَلَيْكَ سَأَسْتَغْفِرُ لَكَ رَبِّكَ ﴾  
مریم: ۴۷

**«Сизга омонлик бўлсин. Энди мен Парвардигоримдан сизни мағфират қилмоғини сўрайман», - деб айтдилар.**

## **Пайғамбаримиз-соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг яхшиликлари**

Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-нинг амакилари Абу Толибнинг аёли Сайида Фотима бинти Асад Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- учун оналари ўрнида эди. Шу боис Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- у аёлга кўп яхшилик қиласи, меҳрибонлик кўрсатар эдилар. Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- у аёлга фақат ҳаётлик чоғидагина эмас, балки, вафотидан кейин ҳам яхшилик қилганлар.

Ривоят қилинишича у аёл вафот этганда Пайғамбаримиз-соллаллоҳу алайҳи ва саллам- қўйлакларини унга кийгиздилар ва унинг қабрида

биroz vaqt ётдилар. Shунда асҳоблари: “Эй Расулуллоҳ - сизни бундан аввал бирон кимсага бундай қилганингизни кўрмаган эдик”- дейишиди. Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам-: “Абу Толибдан сўнг менга ундан кўра кўпроқ яхшилик қилувчи бирор кимса бўлмаган, унга жаннат кийимларидан кийгизилиши учун кўйлагимни кийгиздим, қабрда унга енгиллик бўлсин деб, у ерда бир оз ётдим”.- дедилар.

## **Итоатдан фақат ширк тўсган эди.**

Саъд ибн Аби Ваққос -розияллоҳу анҳу- биринчилардан бўлиб исломни қабул қилган эдилар. У зот оналарига итоаткорлик билан, мөҳрибонлик билан яхши хизмат қиласар, бирон ишда унга қарши чиқмасдилар. Аммо оналари Ислом динини қабул этмай, кофириликда бардавом, бутларга ибодат қиласар, ҳамда Саъднинг ислом динига кирганлигидан қаттиқ қайғуриб, сиқилар эди. Ўғли Саъд -розияллоҳу анҳу- Аллоҳнинг ҳақ динидан юз ўғириб, ота-боболарининг динига қайтмагунча унга ҳаргиз гапирмасликка онт ичди

ва деди: "Аллоҳ инсонни ота-онаага яхшилик қилишга буюради, деб ўзинг айтасанку! Модомики мен онанг эканман сени шунга (менга итоат этишга) буюраман"- деди. Кейин у ўлиш даражасига етгунга қадар, уч кун таом ҳам өмай, сув ҳам ичмай туриб олди. У мушрика она ўғли Саъд -розияллоҳу анҳу- агар онасини ўладиган ҳолатда кўрса исломдан қайтади деб ўйлаганди. Саъд -розияллоҳу анҳу- эса, оналарининг бундай ҳийла- найрангларига қарамадилар, аксинча ҳақ дин – Исломда мустаҳкам турдилар. Шунда Аллоҳ таоло қуръони каримда Саъд -розияллоҳу анҳу- нинг оналарига бўлган муносабатини тасдиқлаб оят туширди. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿ وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَنَ بِوَلَدَيْهِ حُسْنًا وَإِنْ جَهَدَاكَ لِتُشْرِكَ بِـِمَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ ﴾  
فَلَا تُطْعِهُمَا إِلَى مَرْجِعِكُمْ فَأُنِئِشُكُمْ بِـِمَا كُنْتُمْ تَعْمَلُونَ ﴾٨﴾  
العنکبوت: ٨

**«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюдик. Агар улар сен ўзинг билмаган нарсаларни (яъни, бутларни) Менга шерик қилишинг учун зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этмагин! (Барчангиз) Менга қайтурсиз, бас, Мен сизларга қилиб ўтган**

**амалларингизнинг      хабарини      берурман».**  
*(Анқабут сураси, 8-оят).*

## **Яхшилик- шодлик ва қувонч калитидир.**

Қиши кунларининг бирида уч киши биргаликда сафарга чиқишиди. Кеч кирганида тунни ўтказиш мақсадида бир ғорга киришиди. Улар киришганидан кейин, бир харсанг тош тушиб ғор оғзини тўсиб қўйди. Улар нима қилишларини билмай, ўйланиб қолдилар. Шунда улардан бири деди: "Сизларни бу тош балосидан фақатгина солиҳ амалларингизни восита қилиб, Аллоҳга дуо қилмоқлигингиз қутқаради". Кейин бирлари: "Ўзининг қари ота-онаси бўлганлигини ва у кундузи қўй боқиб, кечка қайтаётганида қўйларнинг сутидан ота-онасини таомлантириш учун олиб келишини ва бир куни у кеч қолганида зудлик билан қўйни соғиб, ота-онасига тезда сут олиб келганида улар ухлаб қолган эканлигини ва у қўлидаги сут тўла идиш билан тун бўйи кутиб турганини, ҳатто тонг отиб улар уйғонгандан сўнг уларга сутни ичирганлигини", - зикр қилди, сўнг: "Аллоҳим агар

мана шу амални сени юзингни хоҳлаб қилган бўлсам, бизга бу бало-офатдан нажот бер", - деб дуо қилди. Харсанг тош у кишининг ота-онасига қилган яхшилиги фазли билан озгина очилди. Сўнг қолган иккиси ҳам солиҳ амалларини зикр қилишганида харсанг тош ғор оғзидан батамом узоқлашди ва Аллоҳ таоло уларга нажот берди.

## **Яхшилик қилувчи мехрибон бола.**

Бир одамнинг меҳрибон, итоаткор, солиҳ ўғли бор эди. У доим отасини рози қилмоққа интилиб, отасига кўп яхшилик қиларди. Отаси ҳам уни жуда яхши кўрар эди. Бу бола одамлар орасида отасига ғамхўрлиги билан танилди. Одамлар боланинг отасига қилаётган яхши хизматлари ҳақида кўп сўзлашарди. Бу бола ота-онага намунали хизмат қилишда зарби масалга айланди.

Бир куни бир киши бу одобли боланинг отасидан, ўғлининг муомаласи ҳақида сўради. Отаси унга: "Агар ўғли отаси билан кундузи бирга юрса, ҳурмат юзасидан отасининг орқасидан юриши ва агар тунда бирга юрса отасига йўл кўрсатиш учун олдида юриши ва агар отаси уй ичида бўлса,

уйнинг устига ҳаргиз чиқмаслиги ҳақида",- хабар берди.

## **Сингилларга яхшилик қилмоқ**

Улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Ҳаром -розияллоҳу анҳу- ортларидан тўққизта ёш қизларини қолдириб шаҳид бўлдилар. У кишининг ўғиллари Жобир -розияллоҳу анҳу- сингилларига қараб, уларнинг хизматида бўлиши учун бир жувон аёлга ўйландилар. Жобир -розияллоҳу анҳу- Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- ҳузурларига бориб бева аёлга ўйланганларини айтдилар. Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи васаллам- у кишига эр кўрмаган, бокира қизга ўйланиш жувонга ўйланишдан кўра афзал эканини тушинтиromoқчи бўлганларида, Жобир -розияллоҳу анҳу- оталари тўққизта қизни қолдириб оламдан ўтганлиги сабабли, сингилларига хизмат қиладиган аёлга ўйланмоғи сингиллари ёшидаги тажрибасиз ёш қизга ўйланмоғидан кўра афзал эканини айтдилар. Расулуллоҳ -соллаллоҳу алайҳи ва саллам- Жобир -розияллоҳу анҳу-нинг сингилларига шу қадар

мәхрибонлигидан ажабланиб: " Аллоҳ сенга баракот берсин",- деб дуо қилдилар.

Саҳифаларимиздаги манбаълардан Аллоҳ азза ва жалла розилиги йўлида бемалол ишлаторинг, тижорат мақсадида эмас, иқтибос олинган веб сайга ишора қиласангиз.

<http://www.musulmanin.com>